

Жалолиддин ибн Аловуддин Мухаммад
(1198-1231)
(1220-1231)

Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори, мохир саркарда. Ануштегинийлардан. Хоразмшоҳлардан Мухаммаднинг катта ўғли. Онаси – Ойчечак туркман канизакларидан бўлган. Жалолиддин бурнида холи (манк) бўлгани учун Манкбурни номи билан аталган. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб “Мангуберди” номи билан машҳур бўлиб кетган. Жалолиддин вояга етгач, отаси уни Газна, Бомиён, Гур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Хиндистон ҳудудларигача бўлган ерларда ҳоким ва тахт вориси этиб тайинланган (1215). Бирок Туркон хотун ва кипчок амирларининг катъий норозилиги сабабли Кутбиддин Ўзлокшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилган. Жалолиддин отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иктидорли саркардалиқ қобилиятларини намойиш этган (кадимги Иргис дарёси бўйидаги жанг). Чингизхон бошчилигидаги мўғул кўшинлари Мовароуннахрга бостириб кириб бирин-кетин шаҳарларни эгаллаб, Самаркандга яқинлашганларида хоразмшоҳ Мухаммад Каспий денгизи бўйида жойлашган Обескун шаҳри яқинидаги Ашур ада оролидан паноҳ топган. Оғир бемор бўлган Мухаммад ўгилларини ёнига чорлаб, сўнгги дамда Жалолиддинни ўз ўрнига хоразмшоҳ этиб тайинлаган. Жалолиддин Мангуберди укалари Окшоҳ ва Кутбиддин Ўзлокшоҳлар билан бирга Урганч мудофаасига ошиқади. Лекин Урганчдаги кипчок амирлари Туркон хотуннинг акаси Хумортегинни султон деб эълон қилиб, Жалолиддин Мангубердига қарши суикасд уюштирмокчи бўлдилар. Бундан хабар топган Жалолиддин Мангуберди Темур Малик бошчилигидаги 300 кишилик суворийлар билан ўз ватани – Хоразмни ташлаб Хуросонга кетишга мажбур бўлади. Нисо шаҳри яқинида уни 700 нафар мўғул суворийси кутарди. Жалолиддин Мангуберди шиддатли жангдан сўнг уларни тор-мор келтириб, Нишопурга келди. Бу ердан у барча вилоят ҳокимларига қарши бирлашишга даъват этди, бир ойдан сўнг Газни томон юрди. Ёълда унга Хирот волийси, кайнотаси Аминалмулк 10 минг кишилик кўшин билан келиб кўшилди. Кандахорни камал қилиб турган мўғул кўшинлари билан 3 кунлик жангда Жалолиддин Мангуберду уларни тор-мор келтирган. У Газнага 1221-йил келди. Бу ерда унга халаж қабиласи бошлиғи Сайфуддин Игрок, Балх волийси Аъзам малик, афгонлар сардори Музаффар малик, қарлуклар бошлиғи Хасан Қарлук келиб кўшилдилар. Уларнинг ҳар бири ихтиёрида 30 минглик кўшин бор эди. Жалолиддин Мангубердининг ўзидаги қучлар эса 60 минг суворий эди. Жалолиддин Мангуберди Валиён қалъасини камал қилаётган Такажук ва Малгур бошчилигидаги мўғул кўшинига ҳужум қилиб, 3 кунлик жангдан сўнг улар тор-мор келтирган, 1000 дан ортиқ мўғул аскарлари ўлдирилган, омон қолган қисми Панжшир дарёсидан ўтиб, кўприки бузиб ташлашган. Бу Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар устидан қозongan дастлабки йирик ғалабаси эди. Чингизхон Жалолиддин Мангубердига қарши Шиқи Хутуху нўённи 45 минглик кўшин билан жўнатади. Газна яқинидаги Парвон жангида Жалолиддин Мангуберди мўғуллар устидан ажойиб ғалабани қўлга қиритади. Жангда ҳарбий тактика тарихида биринчи бўлиб, Жалолиддин душман суворийларига қарши от ёнида туриб пиёда жанг қилиш

услугини кўллайди. Мўгулларнинг Ушбу жангдаги маглубияти то шу вақтгача жиддий зарбага учрамаган Чингизхоннинг асосий кучини урушга солиши ва харбий ҳаракат раҳбарлигини ўз кўлига олишга мажбур этади. Бирок жангдан сўнг Жалолиддин Мангубердининг лашкарбошилари ўлжа устида ўзаро жанжаллашиб қолиб, оқибатда Сайфуддин Ироқ, Аъзам малик ва Музаффар маликлар Жалолиддин Мангубердини тарқ этганлар. Жалолиддин Мангубердининг ёнида фақат Аминалмулк ўз лашкари билан қолган, ҳолос.

Чингизхон катта кўшин тўплаб Жалолиддин Мангубердига қарши шахсан ўзи отланган. Гардиз қалъаси яқинида Жалолиддин Мангуберди Чингизхон кўшинининг илгорини тор-мор қелтиради ва кучи озлиги сабабли Синд (Хинд) дарёси томон чекинади. Чингизхон кўшини Жалолиддин Мангубердини дарёдан ўтишига имкон бермай қуршаб олади. 1221-йил 25-ноябрда бўлган тенгсиз жангда (Синд дарёси бўйидаги жанг) маглубиятга учраган Жалолиддин Мангуберди 4000 жангчиси билан Синднинг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарасига кириб кетди (Бу чўл ҳозирда ҳам чўли Жалолий деб аталади). Чингизхон Жалолиддин Мангубердининг бу жасоратидан ҳайратда қолиб, ўз ўғилларига қараб: “Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!”, деган. Эндиликда Чингизхон Ўзига тенг рақибга дуч келганини яхшигина тушуниб, Жалолиддиннинг катта қуч тўплашига ҳалакит бериш учун барча қораларни кўради.

Орадан бир неча кун ўтгач, Жалолиддин Мангуберди кўшини сони 7 мингга етди. Унга Қўлбарс баҳодир, Кабқуш ва Саъдиддин Али аш-Шарабдор каби лашкарбошилар ўз қишилари билан қелиб қўшилди. Жалолиддин Мангуберди Шимолий Хиндистоннинг нотаниш чўлида оч, жулдур қийимли жангчилари билан саргардонликда қолди. Унинг бу ҳолидан фойдаланмоқчи бўлган Шатра вилояти рана (шоҳ) си Жалолиддин Мангубердига ҳужум қилган. Жалолиддин Мангубердининг мерганлик билан отган қамон ўқидан рана ҳалок бўлади, кўшини эса пароканда бўлиб қочади. Жалолиддин Мангуберди катта ўлжани қўлга қиритади. Бу ғалабадан сўнг Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешавор ҳокими Носириддин Кубача (1205-1227)нинг Нандана ва Сакундаги ноиб Камариддин Қармоний Жалолиддин Мангубердига ўзини ҳайрихоҳлигини изҳор этиб, совға-саломлар жўнатган. Гиёсиддин Пиршоҳдан ажралиб кетган амирлардан Санжонқонхон, Элчи паҳлавон, Ўрхон, Соийрча, Текжорук Хонқишилар ўз лашкарлари билан қелиб Жалолиддин Мангубердига қўшилдилар. Жалолиддин Мангуберди Қалор шаҳри, Паросравар, Тарнуш қалъаларини қўлга қиритди. Муқларининг катта қисмидан ажралган Кубача 10 минг отлик кўшини ҳамда мамлуқлар сулоласидан бўлган Дехли султони Шамсуддин Элтутмишдан олган қўшимча қуч билан Жалолиддин Мангубердига қарши жанг қилган, бирок маглубиятга учраган, унинг ҳазинаси, қурол-яроғлари ўлжа тушган.

1222-йил Чингизхон Жалолиддин Мангуберди изидан Тўрбай Тўқшин ва Бола нўённи 20 минглик кўшин билан жўнатади. Лекин улар Мўлтонга қадар бориб, шаҳарни ололмай, жазирама иссиққа дош беролмай қайтишади. Жалолиддин Мангуберди ўзига қарши мўгул кўшинлари жўнатилгани хабарини Паросравар қалъасини олгандан сўнг эшитган. Жалолиддин Мангуберди Мўлтон томон йўл олиб Кубача муқларидан Учча, Садусан, Хатисор, Дебал ва Дамрилларни қамал қилади, кўшини учун туялар зарурлиги туфайли Ғужарот вилояти маркази Нахрвалга Хосхон бошчилигида кўшин жўнатади. Шамсуддин Элтутмиш Жалолиддин Мангуберди устига катта кўшин (30 минг отлик, 100 минг пиёда, 300 та фил) тартади. Жалолиддин Мангуберди мардонаворлик билан рақибга қарши чиқади. Жалолиддин Мангубердининг Ўзбек Той Жаҳон Паҳлавон қўмондонлиги

остидаги илгори Элутмиш илгори билан тўкнашиб ракибидан устин келади. Элутмиш Жалолиддин Мангуберди хузурига элчисини юбориб сулх сўрайди. Жалолиддин Мангуберди Хиндистонда ўз номидан кумуш ва мис тангалар зарб килади, унга тобе хинд мулкларида унинг номи хутбага кўшиб ўкилган. Бирок вазият борган сари мураккаблашиб бормокда эди. Элутмиш, Кубача, шунингдек, Хиндистоннинг бошка вилоят ҳокимлари ўзаро тил бириктириб Жалолиддин Мангубердига карши иттифок тузмокчи эканликлари аён бўлиб колди. Жалолиддин Мангубердининг лашкарбошиси Язидак пахлавон ва Сункуржик Тойсилар хиёнат килиб Элутмиш томонига ўтганлар. Кийин вазиятдан кутулиш учун Жалолиддин Мангуберди харбий кенгаш чакирган. Амирларнинг кўпчилиги Ирок томон юриш килиб, уни Гиёсиддин Пиршоҳдан тортиб олишни таклиф килади. Ирокда сиёсий парокандалик ҳукм суларди. Ирок томон кетишга қарор қилинади. Жалолиддин Мангуберди ўзининг Хиндистонда забт этган мулкларига Ўзбек Той Жаҳон Пахлавони, Гур ва Газни вилоятларига Хасан Карлукни ноиб сифатида колдириб, Ирокка йўл олган. Чўлу биёбонларни кесиб ўтишда Жалолиддин Мангубердининг кўп жангчилари нобуд бўлган, нихоят у 4 минг жангчиси билан Кирмонга етиб келган. Гиёсиддин Пиршоҳнинг Кирмондаги ноиби Барок хожиб Жалолиддин Мангубердига тобелик изҳор килади. Шундан сўнг Жалолиддин Мангуберди Форс вилояти маркази Шерозга келган. Форс ҳокими отабек Саъд ибн Зангий ва Язд ҳокими отабек Алоуддавла ибн Тўгоншоҳ унга тобелик билдиришади. Жалолиддин Мангуберди Исфаконга келганда аҳоли уни катта тантана билан кутиб олади, кўшини қурол-аслаҳа билан таъминланади. Бу ҳол Гиёсиддин Пиршоҳга ёкмайди, у акасига қарши 30 минг отлик кўшин билан йўлга чиқади. Бирок Жалолиддин Мангуберди унга совга-саломлар билан мирохур Одекни элчи сифатида жўнатган ва ўзаро низони тинчлик билан ҳал этган. Кўшин бошликлари Жалолиддин Мангуберди томонига ўтган. 1225-йил Жалолиддин Мангуберди Озарбайжонга юриш килади. Сўнг Бағдодга қарши юришга ҳозирлик кўради. Халифа Носиргача элчи жўнатиб, мўғулларга қарши бирлашишга чакиради. Бунга жавобан Халифа Жалолиддин Мангубердига қарши ўзининг мамлуки амир Жамолиддин Куштемир бошлик 20 минглик кўшин жўнатди. Басра яқинидаги жангда Халифа кўшинлари тор-мор келтирилди. Халифа Бағдод мудофааси билан машгул бўлади. Жалолиддин Мангуберди Бағдод атрофида 12 кун тургач, Озарбайжон томон кетади. Озарбайжон ва Аррон отабеги Ўзбек ичкилик, маишатга берилиб давлат ишларини ўз холига ташлаб кўйган эди, давлатни амалда унинг хотини Малика хотун бошқарди. 1225-йил майда Жалолиддин Мангуберди Марога шахрини жангсиз кўлга киритади. Дамашк, Эрбил ҳокимлари у билан иттифок тузишга рози бўладилар. Отабек Ўзбек Табризни ташлаб Ганжага, сўнг Алинжо қалъасига қочиб ўша ерда вафот этади. Жалолиддин Мангуберди Малика хотунга уйланади. Табризда бир неча кун тургандан сўнг ўз кўшинини Грузия томон бошлайди. 1225-йил августда Гарни қалъаси яқинида гуржиларнинг Иване Мхаргдзели бошлик 60 минглик кўшинини тор-мор келтиради ва Тифлисга қараб юради. Грузия маликаси Русудана Кутаисига кўчиб ўтган. Жалолиддин Мангуберди Двин, Лори шаҳарларини эгаллайди, Сурмари шаҳри ҳокимлари ўз тобеликларини билдиришган. 1227-йил сентябрда Исфакондан 30 чакирим шарқдаги Син кишлоги яқинида Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг Тайнол нўён бошлик кўшинини енгган.

Тайнол нўён Жалолиддин Мангуберди хакида: “Замонасининг хакикий баҳодири экан, ўз тенгқурларининг сарвари экан”, деган. Жалолиддин Мангубердининг Кўния султони Алоуддин Кайқубод, Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашроф Музафариддин Мусо, Дамашк

хокими ал-Малик ал-Муаззам Шарафиддин Ис ва Миср хоими ал-Малик ал-Комил Мухаммадга номалар ёзиб, уларни мўғулларга карши курашиш йўлида бирлаштириш йўлидаги хатти-харакатлари беҳуда кетди. Устига устак Алоуддин Кайкубод муҳолиф кучларни Жалолиддин Мангубердига карши бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1230-йил 10-августда Арзинжон яқинидаги жангда Жалолиддин Мангуберди кучлари маглубиятга учради. Жалолиддин Мангубердининг кучсизланганидан фойдаланган мўғуллар катта кўшин билан Озарбайжонга бостириб кириб Марога, Табризни эгаллаб (1231) Жалолиддин Мангуберди таъкиб этишган. Маёфарикин вилоятидаги кишлоклардан бирида мўғуллар тунги хужум натижасида Жалолиддин Мангубердининг оз сонли кўшинини тор-мор келтирдилар, Жалолиддин Мангубердини ўзи эса таъкибдан қутулиб Курдистон тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда карокчи курдлар кўлига асир тушиб, фожиаи равишда халок бўлган.

Жалолиддин Мангуберди хақида унинг шахсий котиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: “Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сакламайдиган, очик кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон қулмасди. Жуда нари борса жилмайиб кўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқуллодда мард ва ботир саркарда эди. Ўзбекистон ҳукумати Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига карши курашда қўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чеқсиз муҳаббатини қадрлаш ва унинг порлок руҳини абадийлаштириш мақсадида “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш хақида” қарор қабул қилди (1998). Қарорга кўра, унинг юрти Хоразмда Жалолиддин Мангубердига хайкал ўрнатилди, йирик кўча, майдон, жамоа қорхоналари ва бошқаларга унинг номи қўйилди. Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий юришларида ҳамроҳ бўлган тарихчи Насавий Жалолиддин Мангубердига бағишлаб “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангуберди” (“Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳолати”) номли асар, Максуд Шайхзода эса “Жалолиддин” (1943-йил) драмасини ёзган. Жалолиддин Мангуберди хақида видео филм, достон, пьеса ва бошқалар яратилган. 2000-йилнинг 30-августиди “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган.